

Асиранинг эҳтироми (учинчи мақола)



19:05 / 30.10.2019 2333

Хайбар урушида София бинти Ҳуяй розияллоҳу анҳонинг отаси ва бошқа қариндошлари жангда ҳалок бўлган эди. Эри Кинона ибн Робийъ хиёлати учун қатл қилинган эди. Ўзи эса бошқалар билан бирга асир тушди.

Асирлар жамлаб бўлингандан кейин саҳобийлардан Диҳятул Калбий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Набийси! Менга асиралардан бир жория беринг», деди.

«Бориб, бир жорияни олавер», дедилар у зот.

У бориб София бинти Ҳуяйни олди.

Бошқа бир мусулмон одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Набийси! Диҳяга Қурайза ва Бани Назирнинг саййидаси София бинти Ҳуяйни бердингиз. У сиздан бошқага лойиқ эмас», деди.

Ана шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам душман қавмнинг бошлиғининг қизи асирга тушганидан хабардор бўлдилар ва унга ўзига яраша муомала қилишни бошладилар. София бинти Ҳуяйни етти қулнинг

эвазига Диҳятул Калбий розияллоҳу анҳудан сотиб олдилар, унга эса бошқа бир жорияни олишни тавсия қилдилар.

Ўзлари эса София бинти Ҳуяйни Умму Сулайм розияллоҳу анҳога топшириб, унга қараб туришни тайинладилар.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан